



Ислом Нури

Аллоҳ таоло “Нисо” сурасиниг 10-оятда шундай дейди:

«Етимларнинг молларини зулм йўли билан ейдиган кимсалар ҳеч шак-шубҳасиз қоринларига олов еган бўлурлар. Ва албатта дўзахга киражаклар».

«...» :...»

Абу Хурайра розияллоҳу анҳу ривоят қилган муттафақун алайҳ ҳадисда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Еттита ҳалок қилувчи (катта гуноҳлар)дан сақланинглар», дедилар. Саҳобалар: «Ё Расулаллоҳ, улар нималар», деб сўрашди. «Улар: Аллоҳга ширк келтириш, сеҳр, Аллоҳ таоло (ўлдиришни) ҳаром қилган жонни ноҳақ ўлдириш, судхўрлик, етимнинг молини ейиш, жангда орқага қочиш ва гуноҳ-маъсиятлардан пок бўлган мўъмина аёлларни бузуқ деб тухмат қилиш», дедилар.

«...» :...»

Имом Ибн Можа Абу Хурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Расулаллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Парвардигоро,



(Ўзинг гувоҳсан,) мен икки заифнинг – етим ва аёлнинг ҳаққини (зоё қилишдан) қаттиқ огоҳлантираман», дедилар.

Шарҳ:

Шариатимиз етимнинг – балоғат ёшига етмасидан отасидан айрилган норасиданинг ҳақларига тажовуз қилишни қаттиқ қоралаган, Аллоҳ таоло бундай кимсаларни жаҳаннамга киритиш билан кўрқитган. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам етимлар молини ейишни ҳалок қилувчи катта гуноҳлардан», деганлар.

Бизнинг юртларда фарзанд етим бўлган кундан бошлаб, унинг молини ейиш бошланади, бу отасининг таъзия маросимларидан бошланиб, унинг меросига тажовуз қилиш ва бошқа ишларда давом этади. Аллоҳ таоло ҳаммамизни етимнинг молини ейишдан ва ҳаққини поймол қилишдан сақласин.

Бугунги дарсдан олинadиган фойдалар:

1. Етимларнинг молини ноҳақ еганларга қаттиқ ваийдлар ворид бўлган.
2. Етимларнинг молини ейиш ҳалок қилувчи катта гуноҳлардан.